



Умида РАШИДОВА
катта илмий ходими
Самарқанд давлат университети
Umidaxon878@mail.ru

“ҚЎЛ” КОМПОНЕНТЛИ ИБОРАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ- КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ

Мақолада ўзбек тилидаги “қўл” компонентли фразеологик бирликлар семантикаси когнитив-прагматик аспектда ўрганилган.

В работе изучена семантика фразеологических единиц (ФЕ) в когнитивно-прагматическом аспекте в узбекском языке с компонентом “қўл” (“рука”).

The article studies semantics phraseological are determined cognitive-pragmatic aspects in Uzbek language with component “hand”.

Калит сўзлар: фразеологик бирлик, когнитив метод, семантика, соматизм, соматик компонент.

Ключевые слова: фразеологические единицы, когнитивный метод, соматизм, соматический компонент.

Key words: phraseological unit, cognitive method, semantics, somatism, somatic component.

Когнитология тилшуносликнинг кейинги йиллари шаклланган соҳаларидан. Когнитология тил бирликларини когнитив таҳлил этиш масалалари билан шуғулланади. Е. Кубрякова ва бошқаларнинг “Когнитив терминларнинг изоҳли луғати”да когнитология атамаси шундай таърифланган: “Когнитология (когнитив илм) – ўзида билиш назарияси билан шуғулланувчи когнитив психология, когнитив атропология, когнитив тилшунослик ва сунъий интеллект назариясини қамраб олувчи илмий йўналишдир. Кейинги йиллари когнитологиянинг таркибига когнитив социология ва когнитив иқтисодиёт ва бошқа гуманитар фанлар ҳам киритилди”. Демак, когнитив тилшунослик когнитологиянинг бир бўлими бўлиб, у тил ва фикрлаш жараёнининг ўзаро алоқасига бўлган янгича қараш

туфайли юзага келди, бу эса тил бирликларини ўрганишнинг имкониятлари доирасини янада кенгайтди.

Когнитив тилшунослик асосида инсоннинг бутун олам ҳақидаги билимларига тил структураси таъсири остида қараш ётади. Муайян билим асосида тўпланган натижа эса, албатта, психологик, коммуникатив, маданий унсурлар билан боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, когнитив тилшунослик психология, мантиқ, фалсафа, нутқ маданияти каби фанлар билан ўзаро боғлиқ.

Тилимизда мавжуд иборалар ҳам бошқа тил бирликлари каби когнитив тилшуносликнинг ўрганиш предмети доирасига киради. Иборалар когнитив тилшунослик доирасида лисоний-когнитив таҳлил усули ёрдамида ўрганилади.

З. Попова ва И. Стерниннинг “Когнитив лингвистика” (2007) монографиясида концепт ва лисоний-когнитив таҳлил хусусида асосли мулоҳазалар юритилган. Олимлар фикрига кўра, “концепт когнитив тилшуносликнинг марказий бирлиги, лисоний-когнитив таҳлилнинг асосий мақсадларидан бири эса яқка концептнинг таркиби, тузилишига миллий онг бирлиги сифатида қарашдир”.

Е. Кубрякова ва бошқаларнинг “Когнитив атамаларнинг қисқача луғати”да лисоний-когнитив таҳлил усули “лисоний-когнитив таҳлил – илмий муаммоларни когнитив аспект (идрок этиш, фикрлаш, билиш, тушунтириш ва тушуниш) методларини эътиборга олиб ҳал этишдир” (КСКТ, 1996), – деб изоҳланган. Бундан кўринадики, ҳар бир тилнинг ўз когнитив вазифаси мавжуд. Бунда тилга билиш, билимларни эгаллаш воситаси ва онг фаолиятининг ифодаланиш усули сифатида қаралади.

Кишининг объектив дунёни билиши сезиш, ҳис қилиш, англаш ва хотирада муҳимларини сақлаш жараёнларидан бошланади. Бу тушунчалардан муҳимларинигина онгда акс эттириш ва ўзлаштириш жараёнида турли хилдаги тил воситалари қаторида иборалар ҳам иштирок этади. Бундай бирликларнинг пайдо бўлиши натижасида ёки уларни нутқда ифодалаш жараёнида инсон ўз онгида уларни мавзу кўлами, семантикаси ва ассоциатив (алоқа) майдонига кўра саралайди ҳамда айнан ўзига керакли, фикр алмашув жарёнига хизмат қиладиганларини қидиради. Керакли фразеологик бирлик(ФБ)ни топгандан сўнг уни хотирада муҳрлайди ва бу жараён узлуксиз равишда давом этиши натижасида уларнинг сонини жамғариб боради.

Кишининг дунёни англаши, билиши ҳамиша ижобий ёки салбий ҳис-туйғулар ҳамроҳлигида кечади. Шу боис инсоннинг эмоционал фаолияти,

рухоният доирасининг сифати ҳамиша когнитив характерга эга бўлади. Шунга кўра, биз мазкур ишда инсоннинг фикрлаш жараёни билан боғлиқ ҳолатини ўзида акс эттирадиган “қўл” компонентли фразеологик бирлик (ФБ)ларнинг лингво-когнитив таҳлили ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Умумтуркий “Қўл” сўзининг этимологияси ҳақида Ш. Раҳматуллаев луғатида куйидаги фикрлар баён қилинган: **Қўл** одамнинг бармоқ учигача бўлган аъзоси. Қадимги туркий тилда ҳам шу маънони англатган бу от **қо:л** тарзида талаффуз қилинган (ДС. 454: **қо:л** «рука», **қо:личақ** “ручонка”, **қо:ллуғ** “имеющий руки”); ўша даврлардаёқ **о:унлисининг** чўзиклик белгиси йўқолган (Девон, III, 148): **қо:л>қол** (ЎТЭЛ, 584).

Бу сўз кўп маънолидир. ЎТИЛ да унинг ўн маъноси кўрсатилган.

“Қўл” компонентли фразеологизмлар Алишер Навоий асарларда ҳам фаол қўлланган. Жумладан, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (НАТИЛ)нинг гувоҳлик беришича, шоир асарларида “қўлдин бермак” (қочирмоқ, ўз ихтиёридан чиқариб юбормоқ), “қўлдин солмоқ” (қўлдан чиқармоқ), “қўл сунмак” (қўл узатмоқ) каби фразеологизмлар қўлланган (НАТИЛ, 747-748).

“Қўл” сўзи Алишер Навоий асарларида уч маънога эга бўлган:

1. Қўл, кишининг қўли. 2. кўчма. Қўлида, ихтиёрида, қармоғида:

Деди Жобир: “Эй қўлимда асир...” (С.С.)

2. Томон, тараф, тоғ аро йўллар:

Баъзи ўлди, баъзи итти йўл аро,

Баъзи аввора бўлуб ҳар қўл аро. (Л.Т.)

3. Музиқада бир куй номи (НАТИЛ, 747-748).

Юқоридаги фикрларга асосланиб, “қўл” сўзининг семантик-структур схемасини куйидагича чизиш мумкин:



Ш.Раҳматуллевнинг “ЎТИФЛ”да “қўл” компонентли 70га яқин ибора маъноси изоҳланган. Уларнинг айримлари инсоннинг идрок этиши билан боғлиқ бўлган, унинг рухий оламини, ҳис-туйғуларини ифодалайдиган иборалар сирасига кирса, баъзилари миллий дунёқараш нормасига бориб тақалади. Мазкур ишимизда ана шундай таҳлилбоп ибораларнинг таҳлили хусусида сўз юритамиз.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романидаги ҳар бир қаҳрамонининг ўзига хослигини улар нутқи орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Хусусан, асардаги Кумушбиби ўзбек аёлларининг типик вакили сифатида гўзал хулқли, одобли, ҳаёли қиз образида намоён бўлади.

Уйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб рўймолининг учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайди. Рўймол тугиш билан машғул латиф қўлларини чет қўл келиб сиқди:

– Жоним.

Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини қутқазмоққа тиришиб:

– Ушламангиз, – деди ҳам сиқувчи қўлдан қутилиш учун орқага тисланди...

Мазкур парчада ўзбек аёли Кумушга хос бўлган уятчанлик, иболилик характерлари унинг тилидан қўлланган юқоридаги ибораларда яққол намоён бўлади. Маълумки, инсон қўли сезгини қабул қилувчи тери ости хужайраларидан иборат. Айнан инсон терисининг остидаги хужайралар

сабаб маълум бир ташқи таъсирни ҳис қилади. Ҳозирги парчада Кумушнинг сесканиши ҳам “қўл”и орқали юзага чиқмоқда. Чунки бегона қўл таъсирини сезги хужайралари аллақон сезиб, таъсирланишди. Кумушнинг таъсирланиши (сезгини идрок этиши) натижасида у орқага тисарилди.

Тилимизда “қўлини сўрамоқ” ибораси мавжуд. Бу ибора халқнинг урф-одатлари, анъанали билан боғлиқ ментал характерга эга бўлиб, “қиз боланинг уйига совчиликка бормоқ”, “турмушга чиқишга розилик сўрамоқ” маъноларини билдиради.

– Нима?... Ўйлаб кўриш керак. Кейин... сиз жуда галати экансиз. Кечатаниши солиб бугун **қўлимни сўрапсиз** (З.Қуролбой қизи, 13)

–Мана, кўрдингизми, биз аллазамонлардан буён танишимиз-у, сиз бўлсангиз дарров **қўлимни сўрапсиз**, деб домангир бўляпсиз (З.Қуролбой қизи, 13).

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да “қўл силтамоқ” иборасига қуйидагича таъриф берилган: **ҚЎЛ СИЛТАМОҚ**. Дикқат-эйтиборга нолайиқ деб топмоқ. Варианти: қўлни силтамоқ; қўлини силтамоқ(303). “Қўл силтамоқ” ибораси кишининг маълум руҳий-психологик ҳолати билан боғлиқ. Чунки инсон бирор бир ҳолатга, нарсага ўз-ўзидан қўл силтамайди. Бунга уни нимадир (жараён, ҳодиса) мажбур қилади ва инсон унга ёқмаган жараёнга бепарво бўлишга аҳд қилади (қўл силтайди). Масалан:

*Бригадир йўригига юрмаса, борэ деб ҳаммасига **қўл силтаб** кетиб ҳам қоларди* (З.Қуролбой қизи, 26).

*Бугун ҳам намозишомда келармикан? – ошхонаю молхоналарни галмагал қиртишлайвершидан чарчаган она ҳаммасига **қўл силтаб**, кўча эшик олдида чиқиб йўлга кўз тикди* (З.Қуролбой қизи, 121).

*Тангриберди учун оқ-қора катакларда дунё бор бўй-баста билан нимоён бўлар, гам-ташвиш, қувонч-шодлик, ҳаяжону эҳтирос - ҳамма-ҳаммаси айни ўша олтмиш тўрт катакка жо бўлгандек гўё. Теварагини қуршаган борлиқнинг золимона бир хиллиги, зерикарли оҳанги бадига ургандек, барча-барчасига **қўл силтагани*** (З.Қуролбой қизи, 240).

Тилимизда “қўли касов, сочи супурги” ибораси кўпроқ оғзаки сўзлашув услубида кенг қўлланади. Бу ибора салбий баҳо – муносабатни ифодалайди ва гендер хусусиятга эга. Унинг гендерлик хусусияти аёлларга қарата айтилиши билан изоҳланади. Оилада фарзандларининг қўлидан юмуш келишига қарамай, барча юмуш ўз зиммасида бўлган аёлларга нисбатан оғзаки нутқда “қўли касов, сочи супурги” ибораси қўлланилади.

*Кексайган чоғида қўлини совуқ сувга урмай, ҳузур-ҳаловатда яшаи ўрнига, тўнғич ўгли билан келинининг рўзгорини бўлак қилиб, ўзи ҳали **ҳамон***

қўли касов, сочи супурги бўлиб юрганини ўйлаб гоҳида Бувгул эна хит бўлиб кетади... (З.Қуролбой қизи, 121).

Тилимизда мавжуд яна бир “қўл” компонентли ибора “қўлини совуқ сувга урмаслик” ибораси ҳам салбий баҳо муносабатни ифодалайди. Ш.Раҳматуллаевнинг “ЎТИФЛ”да бу иборанинг “қийинроқ жисмоний меҳнатни мутлақо қилмаслик” маъносини ифодалаши кўрсатилган(2, 301):

Чол тепаларида туриб ишлатмаса, қўлларини совуқ сувга ҳам урмайдиган неваралари унинг бетоблигини эшитишиб, дўппиларини осмонга отиб юришгандир (З.Қуролбой қизи, 154).

“Қўлини совуқ сувга урмаслик” иборасига зид маънода тилимизда “оёқ-қўли чаққон” ибораси шаклланган. Бу ибора ижобий маъно касб этади ва чаққон, уздабурон, ҳар ишни эплайдиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

Ҳаёт ҳақида менинг ҳам ўз ўйим, ўз фикрим бор эди. Лекин у онамга ёқмади. “У бизга тўғри келмайди, дерди онам ҳар доим. –Бизга оёқ-қўли чаққон, ҳар қандай меҳнатдан тап тортмайдиган келин керак” (З.Қуролбой қизи, 194).

Инсонинг бир қанча хусусиятларини билдирувчи тилимизда сифат характердаги “қўл” компонентли иборалар мавжуд: қўли гул, қўли эгри, қўли тўғри, қўли узун, қўли калта, қўли очиқ, қўли синиқ ва бошқалар.

Бу иборалар ичидан “қўли синиқ” ибораси эътиборга лойиқ, сабаби ҳеч бир луғатдан ўрин олмаган. Бу ибора “қўли гул” иборасига зид маъноли иборадир,

– *Эсиз...эсизгина шундай уй! Раҳматли эшон бува бўлганда... Тавба, қош-кўзини бўяшдан бошқасига ярамайдиган бу ипирисқи хотиннинг нимасига учди эшон бува? ...Ҳатто пиёваням эплаб пишира олмайдиган қўли синиқ-ку бу!*

Тилимизда чекланган имкониятга эгалик маъносида “қўли калта” ибораси мавжуд. Бу иборанинг “қўли қиска” варианты ҳам мавжуд бўлиб, ўз навбатида “қўли узун” ибораси билан антонимлик ҳосил қилади.

Гуддирақдай гулдираб Сув келади, воҳ-воҳ.

Сув юзида мўлтираб Гул келади, воҳ-воҳ.

Шошиб-пишиб қўл чўзсам, Қўлим қисқа, воҳ-воҳ.

Аргумоқдай сув кечсам, Йўлим қисқа, воҳ-воҳ.

Маълумки, ҳаётда фарзандсиз, яъни “бефарзанд” инсонларга нисбатан “икки қўли бир тепа бўлмақ” ибораси қўлланилади. Бу ибора ҳам ментал хусусиятга эга бўлиб, кўпроқ оғзаки сўзлашув услубида қўллангани боис луғатларда изоҳланмаган.

Мулла Ашурнинг эса ҳамон дарди ичида, икки қўли бир тена бўлиб ўтиб кетаяпти. Мулла шу ҳақда ўйлади дегунча юраги сиқиладиган бўлиб қолди(З.Қуролбой қизи. “О, ҳаёт”, 164).

Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғатида “қўлини бигиз қилмоқ” иборасининг “ниқтаб кўрсатмоқ” маъносини билдириши таъкидланган. Бу ибора бадий ва оғзаки сўзлашув услубида салбий маънони ифодалаш учун қўлланади:

Ҳамма менга қўлини бигиз қилиб, “мана эрининг кўзига чўп солган бузуқ мана шу!” дейдигандек! Ундан кўра ўлақолганим яхшимасми!(Ўткир Ҳошимов. “Икки эшик ораси”);

Шундай қилиб, “қўл” компонентли ибораларнинг когнитив таҳлилидан қуйидаги натижаларга эришдик:

1. “Қўл” – умумтуркий сўз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам келтирилган бу сўзнинг умумтуркий сўз эканлиги таъкидланган. Қўп маъноли характерга эга бу сўзнинг ЎТИЛ да ўнта маъноси кўрсатилган.

2. “Қўл” компонентли фразеологизмлар Алишер Навоий асарларида ҳам фаол қўлланилган ва улар турли маъноларни ифодалайди.

3. “Қўл” компонентли ибораларнинг айримлари инсоннинг идроки билан боғлиқ бўлган руҳий оламини, ҳис-туйғуларини ифодаласа, баъзилари миллий дунёқараш меъёрларига бориб туташади. Яъни ментал, гендерлик хусусиятларига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик. 2-том. – М., 1981, Ушбу луғат мақолада ЎТИЛ қисқартмаси билан берилди, қавс ичида асар томи ва саҳифаси кўрсатилди.